

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**Хайтбаева Нодира Сейтжановна**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШЎРЛАНГАН  
ТУПРОҚЛАРИДА БУҒДОЙНИНГ ФУЗАРИОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА  
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2017**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) degree on  
agricultural sciences**

**Хайтбаева Нодира Сейтжановна**

Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқларида бугдойнинг  
фузариоз касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари.....3

**Хайтбаева Нодира Сейтжановна**

Фузариозы пшеницы в засоленных почвах Республики Каракалпакстан и меры  
борьбы с ними.....17

**Khaytbayeva Nodira Seytjanovna**

Fusarium diseases of wheat in the saline soils of the Republic of Karakalpakstan and  
measures of their control .....29

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....33

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙТБАЕВА НОДИРА СЕЙТЖАНОВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ШЎРЛАНГАН  
ТУПРОҚЛАРИДА БУҒДОЙНИНГ ФУЗАРИОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА  
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2017**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx68 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Зупаров Миракбар Абзалович</b> биология фанлари номзоди, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ходжаев Шомил Турсунович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
	<b>Холдаров Мирхалил Уразбекович</b> биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «31» октябр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (532892 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ Ахборот ресурс маркази биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00).

Диссертация автореферати 2017 йил «18» октябрда тарқатилди.  
(2017 йил «12» октябр 9/3- рақамли реестр баённомаси.)

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**Я.Х. Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда йилига 226,5 млн га майдонда буғдой экилиб, доннинг ўртача ҳосилдорлиги 26 ц/га ни, ялпи ҳосил эса 586,9 млн тоннани ташкил этмоқда, ФАО халқаро ташкилотининг маълумотларига асосан, дунё мамлакатларидаги аҳолининг дон ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш учун етиштирилаётган ғалла ҳосили миқдорини йилига 1,6-1,8% га орттиришни талаб қилади<sup>1</sup>. Бу борада буғдойнинг фузариоз касалликлари ва уларни кўзғатувчи замбуруғларнинг биоэкологик хусусиятларини, зарарини ўрганиш, тарқалиш қонуниятларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш ғаллачилик соҳасининг самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

Мамалакатимизда буғдойнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларини танлаш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Буғдойнинг касалликларига қарши уйғунлашган кураш чоралари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида буғдой ҳосилдорлигини сақлаб қолиш имкониятини беради. Буғдой ўсимлигининг касалликларига қарши курашнинг замонавий технологияларга мос усулларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Қорақалпоғистон Республикасининг Орол бўйи ҳудудларида шўрланган тупроқ шароитида буғдойнинг фузариоз касаллигига қарши курашнинг самарали усулларни тадбиқ этиш буғдой ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган ғаллачиликни ривожлантириш орқали аҳолининг дон ва ун маҳсулотларига эҳтиёжларини тўла таъминлаш мақсадида буғдойни турли касалликлардан ҳимоя қилиш, ушбу патоген турларнинг биологик хусусиятлари ҳамда зарарлилик даражаларининг ҳосилдорликка таъсирини аниқлаш, буғдой экинларида фузариоз касаллигини кўзғатадиган замбуруғларнинг турлар таркибини, тарқалиш ареалларини аниқлаш, касаллик кўзғатувчи турларнинг тупроқдаги бошқа замбуруғлар билан муносабатларини ва биологик хусусиятларини аниқлаш асосида буғдой экинларининг касалликларига қарши курашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқотлар амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 мартдаги 148-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаш-тириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий

---

<sup>1</sup><http://www.fao.org>

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз шароитида *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларга оид илмий изланишлар Н.Запрометов томонидан бошланган. Мавжуд маълумотлар ғўзага (А.Соловьёва), канопа (О.Хасанов), бедага (Х.Убайдуллаев), мошга (Р.Ғафуров), қовунга (В.Песцова) ҳамда тутга (А.Шералиев) тегишли бўлиб, касаллик қўзғатувчилари сифатида *Fusarium* туркумининг 2-3 та тури кўрсатилган. Тошкент вилоятида суғориладиган буғдой экинларининг илдиз чиришларини Н.Ҳакимова тадқиқ қилиб, унинг ризосферасидан 11 та *Fusarium* туркуми турларини ажратган ва уларнинг уруғлик донга нисбатан захарлилигини аниқланган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида ҚХФ-5-009 «Экстремал экологик шароитда маҳаллий антагонист замбуруғларнинг тарқалиши ва метоболитларининг патоген микрофлораларга тупроқдаги таъсир этиш қонуниятларини ўрганиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқлари шароитида буғдой навларида касаллик қўзғатувчи *Fusarium* туркуми турларининг буғдой навлари ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

буғдойзорлардаги фитосанитар ҳолатни баҳолаш учун Қорақалпоғистон Республикаси туманлари хўжаликларида буғдойнинг касалланиш даражаларини ва касаллик қўзғатувчиларининг географик тарқалишини аниқлаш;

зарарланган ўсимлик намуналарини фитопатологик (микологик) таҳлил қилиш, касаллик қўзғатувчиларининг соф культураларини ажратиб олиш, турлар таркибини аниқлаш ва уларнинг коллекциясини ташкил қилиш;

касаллик қўзғатувчи турларнинг шўрланган шароитдаги морфологик, систематик ва биологик хусусиятларини аниқлаш;

республика шароитида районлаштирилган ва районлаштириладиган буғдой навларининг касалланиш даражаларини аниқлаш;

касаллик қўзғатувчи турларнинг тупроқдаги бошқа замбуруғлар билан муносабатларини ва биологик хусусиятларига асосланиб уларга қарши биологик кураш чорасини ишлаб чиқиш;

касаллик қўзғатувчи турларнинг хусусиятларига фунгицидларнинг таъсирини ўрганиш асосида самарали уруғдорагичларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқ шароитида районлаштирилган ва районлаштириш режалаштирилган кузги буғдой навларининг зарарланган ўсимликлари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** буғдойнинг фузариоз касаллигини қўзғатувчи *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг 12 тури ва 3 та кенжа тури ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотларда лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказишда касалликлар тарқалишини аниқлаш, фунгицидларнинг самарадорлигини аниқлашда Б.А.Ҳасанов усулидан; зарарланган ўсимликлардан касаллик қўзғатувчи замбуруғларни ажратиб олиш ва уларнинг патогенлик хусусиятларини аниқлаш учун В.И.Билай усулидан фойдаланилди. Тупроқдан микроорганизмларни ажратиб олишда М.А.Литвинов усулидан; *Fusarium* замбуруғларининг фитотоксин ҳосил қилиш хусусиятини ўрганишда бионамуна усулларида; ажратиб олинган касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг морфологик хусусиятларини ўрганишда Г.Роскин усулидан фойдаланилди. Дала ва лаборатория тажрибаларининг натижаларини статистик таҳлил қилишда Б.А.Доспехов усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк бор Қорақалпоғистон Республикасида буғдойнинг фузариоз касаллигининг *Fusarium* туркумига мансуб 12 та тур ва 3 та кенжа турлари аниқланган; шўрланган тупроқ шароитида экинларнинг ҳар хил ривожланиш фазаларида фузариоз касаллигини қўзғатувчи турларнинг морфологик, систематик ва биологик хусусиятлари аниқланган;

фузариоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғларнинг энг агрессив турлари *F.oxysporum*, *F.graminearum* ва *F.solani* исботланган;

илк бор Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқларида буғдойда фузариоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғларнинг патогенлик ва фитотоксин синтез қилиш хусусиятлари аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикасида районлаштирилган буғдой генотипларидан «Ғарезсизлик», «Краснодар-99» ва «Таня» навлари фузариоз касалликларига нисбатан чидамли навлар эканлиги исботланган;

буғдойнинг фузариоз касаллигига қарши кураш чораларини қўллашда Фитолавин ва Триходермин биологик препаратлари ҳамда Виал Траст, Геркулес ва Раксил кимёвий фунгицидлари яхши самара бериши аниқланган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

буғдойнинг фузариоз касалликларига қарши курашда биологик препаратлардан фитолавин (2,5 л/т) ва триходермин (1 кг/т) қўлланилганда қўшимча ҳосил гектарига 4-5 центнерни ташкил этган;

кимёвий усулда Виал Траст (0,3 л/т), Геркулес (0,6 л/т), Раксил (0,7 л/т) фунгицидларидан фойдаланилганда 3-4 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларнинг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили махсус ташкил этилган комиссия томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистиканинг турли

услугларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижалар тажриба маълумотларига мос келиши, хулоса ва қонуниятлар асосланганлиги ҳамда натижалар таққосланганлиги ва улар амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқлари шароитида буғдойнинг фузариоз касалликларининг келиб чиқиши, тарқалиши, касаллик кўзғатувчиларнинг биологияси ва касалликка қарши кураш чораларидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти буғдойнинг фузариоз касалликларига қарши курашда кимёвий ва биологик препаратларни қўллаш орқали унинг ҳосилдорлигини сақлаб қолиш билан, аҳолини соф озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан, чорва молларига ем-хашак сифатини яхшилашда ҳамда дон ҳосилдорлиги ортишига хизмат қилиш билан ифодланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқларида буғдойнинг фузариоз касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

фузариоз касаллигига қарши уруғдорилагич: Виал Траст, Геркулес, Раксил фунгицидларини қўллаш Нукус тумани Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида, Тахтақўпир тумани «Пирнияз Тахта» ва «Нуратдин Тахта», Амударё тумани «Абдухаликов Жалғаш» ва «Султамурат Қийра», Чимбой тумани «Нурланбек Бекбергенов» ва «Қаллибекова Гулмира» фермер хўжаликлари шароитида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги, 02/21-437-сон маълумотномаси). Бунда қўшимча гектаридан 3-4 центнер дон ҳосили олишга эришилган;

фузариоз касалликларига қарши уруғлик донга микробиологик препаратлар: Триходермин, Фитобиосол билан ишлов бериш Нукус тумани Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида, Тахтақўпир тумани «Пирнияз Тахта» ва «Нуратдин Тахта», Амударё тумани «Абдухаликов Жалғаш» ва «Султамурат Қийра», Чимбой тумани «Нурланбек Бекбергенов» ва «Қаллибекова Гулмира» фермер хўжаликлари шароитида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги, 02/21-437-сон маълумотномаси). Бунда 1 га майдондан қўшимча ҳосил 4-5 центнергача дон ҳосили олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 5 таси республикада ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.



**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Fusarium* Lk. ex Fr. туркумининг систематикасини ўрганиш тарихи» деб номланган биринчи бобида ушбу туркумининг систематикасини ўрганиш тарихи, унинг вакиллари кўзгатадиган касалликлар ва уларнинг тарқалиши, қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларида учрайдиган *Fusarium* туркуми турлари ва уларнинг фитотоксин ҳосил қилиш хусусиятлари, ташқи муҳит омилларининг буғдойнинг фузариоз касаллик-лари ривожланишига таъсири, ушбу касалликларнинг зарари, буғдой навларининг фузариоз касалликларига чидамлилиги, касалликка қарши уруғдорлагич фунгицидлар билан ишлов бериш тўғрисида илмий адабиётлардан олинган маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Илмий тадқиқотлар ўтказиш шароити, манбаалари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Илмий ишларнинг манбаалари сифатида Қорақолпоғистон Республикасининг буғдой етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари, Нукус Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот станцияси ва Чимбой тумани Деҳқончилик илмий-тадқиқот станциясида етиштирилаётган 30 та навга мансуб буғдой ўсимликларининг 5000 дан ортиқ зарарланган, қуриётган ва қуриб қолган буғдой ўсимликлари, буғдойзорлар тупроғидан микологик таҳлил учун олинган намуналардан фойдаланилди. Лаборатория тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университетининг «Ўсимликлар ҳимояси ва карантини» кафедрасида олиб борилган.

Қорақолпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқлари шароитида буғдойнинг фузариоз касалликларининг тарқалиши ва зарарини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар Чимбой, Тахтакўпир, Амударё ва Нукус туманларидаги ғаллачиликка ихтисосланган фермер хўжалиқларида ўтказилган. Фузариоз касалликлари билан зарарланган ўсимликларни текширишда Н.А.Наумов, А.А.Ячевский, М.И.Дементьеваларнинг классик усулларида фойдаланиб, районлаштирилган буғдой навларидан йиғилган гербарийлар ва 30 та навга

мансуб буғдой донлари фитосанитар назоратдан ўтказилиб, уларнинг фито-экспертизаси амалга оширилган.

Микологик тадқиқотларда касаллик кўзгатадиган замбуруғ турларини ўсимликларнинг зарарланган қисмларидан ажратиб олиш учун Петри лико-пчаларида ҳосил қилинган нам камера ва КСА, Чапек озуқа муҳитларига экиш усулидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикаси буғдой дала-ларида қайд этилган *Fusarium* туркуми замбуруғлари», деб номланган учинчи бобида, тадқиқот ўтказилган ҳудудлардан *Fusarium* туркумининг 5 та секциясига мансуб 12 та тур ва 3 та кенжа тур ажратиб олинди. Шундан Тахтакўпир туманидан 9 та, Амударё туманидан 10 та, Нукус ва Чимбой туманларидан 12 тадан тур 3 та кенжа турлар ажратиб олинган. Улардан 5 та тур Discolor секциясига, 4 та тур ва 2 та кенжа тур Martiella секциясига, 4 та тур ва 1 та кенжа тур Elegans секциясига, 1 тадан турлар *Roseum* ва *Sporotrichella* секцияларига тегишли эканлиги аниқланган.

Фузариоз касалликлари келиб чиқишида *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг *F.oxysporum*, *F. graminearum*, *F.avenaceum*, *F.sambucinum*, *F.solani* турлари асосий патоген турлар эканлиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

#### Қайд қилинган *Fusarium* туркуми турларининг рўйхати


Секция	<i>Fusarium</i> туркуми турлари	Кенжа турлар (var.)	Амударё тумани	Нукус тумани	Чимбой тумани	Тахта-кўпир тумани
Roseum	<i>F. avenaceum</i>	-	+	+	+	
Discolor	<i>F. graminearum</i>	-	+	+	+	+
	<i>F. sambucinum</i>	-	+		+	+
	<i>F. heterosporum</i>	-	+	+	+	
	<i>F. culmorum</i>	-			+	+
	<i>F. lateritium</i>	-	+	+		+
Elegans	<i>F. oxysporum</i>	-	+	+	+	+
	<i>F. oxysporum</i>	<i>orthoceras</i>	+	+	+	
	<i>F. verticillioides</i>	-			+	+
	<i>F. lactis</i>			+	+	+
Martiella	<i>F. javanicum</i>	-	+	+	+	+
	<i>F. javanicum</i>	<i>radicicola</i>		+		
	<i>F. solani</i>	-	+	+	+	+
	<i>F. solani</i>	<i>argillaceum</i>		+	+	
Sporotrichiella	<i>F. poae</i>		+	+		
<b>Жами</b>	<b>12</b>	<b>3</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>12</b>	<b>9</b>

Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқлари шароитида буғдойнинг фузариоз касаллигининг тарқалиши ва зарарини аниқлаш мақсадида Чимбой, Тахтакўпир, Амударё ва Нукус туманларида ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида тадқиқотлар ўтказилди. Тахтакўпир ва

Чимбой туманлари фермер хўжаликларининг буғдой даласида жами 55 гектар, Нукус туманидаги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти тажриба станциясининг буғдой даласида жами 5 гектар, Амударё туманидаги фермер хўжаликларнинг буғдой далаларида жами 50 гектар майдонда фитопатологик экспертиза ишлари амалга оширилган.

1-расм

**Қорақалпоғистон Республикаси туманларида буғдойнинг фузариоз касаллигини тарқалиши (2013-2016 йй.)**



Чимбой тумани Дехқончилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигидан олинган 90 та ўсимликдан 21 таси, яъни 23,3% фузариоз илдиз чириши билан зарарланганлиги аниқланди. Тахтакўпир тумани фермер хўжаликлари буғдойзорларидан йиғилган намуналарнинг фитоэкспертиза-сида 120 та ўсимликдан 27 таси, яъни 22,5% фузариоз илдиз чириш билан зарарланганлиги аниқланган. Бу туманда асосий касаллик кўзғатувчи турлар *F. oxysporum*, *F. graminearum*, *F. avenaceum* ва *F. solani* эканлиги маълум бўлган (1-расм).

Амударё тумани фермер хўжаликлари далаларидан йиғилган 250 та ўсимлик намуналарининг фитоэкспертизасида 57 та ўсимлик, яъни 22,8% фузариоз илдиз чириш билан зарарланганлиги аниқланди. Жанубий туманларда буғдойда фузариоз касаллигини кўзғатувчи *F. sambucinum*, *F. heterosporum*, *F. culmorum*, *F. lateritium*, *F. javanicum*, *F. solani*, *F. oxysporum*, *F. graminearum* ва *F. solanivar. argillaceum* турлари ажратиб олинган.

Нукус туманидаги Дон-дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигидан йиғилган 50 та ўсимликдан 11 таси ёки 22% фузариоз илдиз чириш билан зарарланганлиги аниқланди. Асосий касаллик кўзғатувчи турлар *F. solani*, *F. oxysporum*, *F. graminearum*, *F. avenaceum*, *F. sambucinum*, *F. heterosporum*, *F. culmorum* ва *F. lateritium* эканлиги кузатилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг буғдой далаларида 2013-2017 йилларда ўтказилган экспедициялар давомида тупроқ намуналари таҳлил қилинганда қуйидаги замбуруғ турлари учраши аниқланди. Бунда *Mucor* Mich.ex Fr. туркумидан 12 та штамм, *Rhizoctonia* туркумидан 6 та штамм, *Cladosporium* Lk. ex Fr. туркумидан 11 та штамм, *Verticillium* Lk. ex Fr. туркумидан 13 та штамм, *helminthosporium* Lk. ex Fr. туркумидан 4 та штамм, *Alternaria* Nees ex Fr. туркумидан 4 та штамм, *Trichoderma* Pers. туркумидан 18 та штамм, *Aspergillus* Micheli ex Fr. туркумидан 16 та штамм, *Penicillium* Lk. ex Fr. туркумидан 6 та штамм ва *Fusarium* Lk. et Fr. туркумидан 180 та штамм ажратиб олинган.

Диссертациянинг «***Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг патогенлик хусусияти ва зарари**», деб номланган тўртинчи бобида ушбу туркум турларининг патогенлик хусусиятлари Қорақалпоғистон Республикасида районлаштирилган Ғарезсизлик ва Краснодар-99 навли буғдой ўсимликлари уруғлик донларининг тупроқда униши, ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш ёрдамида ўрганилган.

Тажрибада *Fusarium* туркуми турларининг культурал суюқлигида буғдой донлари ивитиб экилганида уларнинг униб чиқиши Краснодар-99 навида 80,0-100% гача, Ғарезсизлик навида 30,0-100% гача бўлди. Униб чиққан буғдой майсалари пояларининг узунлиги, мос равишда, 30,0-44,2 см ва 29,0-36,8 см бўлиб, назоратда бу кўрсаткич 50,5 ва 44,8 см ни ташкил қилди. Илдиз узунлиги 14,7-17,7 см ва 12,3-21,0 см га тенг бўлса, назоратда 20,8 ва 19,9 см бўлганлиги кузатилди. Ўсимлик оғирлиги солиштирилганда тажрибадаги Краснодар-99 навининг униб чиққан майсаларининг оғирлиги 405-1298 г ни, Ғарезсизлик навида 250-607 г ни ташкил қилди. Назоратда бу кўрсаткич 2847-3172 граммга тенг бўлди.

Кучли патогенлик хусусиятини *F. graminearum*, *F. oxysporum* var. *orthoceras* ва *F. solani* var. *argillaceum* турлари намоён қилиши кузатилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иқлими шароитида районлаштирилган навлар орасида Таня, Элита, Грация, Устоз, Дурдона, Хумо, Ғарезсизлик, Ёнбош, Яксарт, Гром, Амударё ва Ласточка навлари фузариоз касалликларига нисбатан чидамлилиқ намоён қилиб, ҳосил миқдори гектардан 2-6 центнерга пасайди. Республиканинг шимолий ҳудудларида Гром, Краснодар-99, Таня, Крошка, Московская-56, Замин, Давр, Зимородок, Айвина, Вержина, ЮКА, КА-9, Лига, Иришка буғдой навлари фузариоз билан кучли зарарланиб, ҳосили миқдори 10 центнергача камайиб кетган.

Фузариоз касалликлари таъсирида буғдойнинг бир тупида донлар сони 193 тани ташкил қилиб, оғирлиги 29 г, ёки соғлом донларга нисбатан улар сони 140 тагача, оғирлиги эса 64 граммга камайиб кетганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоғистон тупроқларидан ажратилган замбуруғлар фитотоксинларининг буғдой донларига таъсири**», деб номланган бешинчи бобида *Fusarium* туркуми турларининг фитотоксин синтез қилиш хусусияти ўрганилганда 14 та турдан *F. oxysporum*, *F. solani*, *F. javanicum*, *F. solani* var. *argillaceum*, *F. heterosporum*, *F. oxysporum* var. *orthoceras* ва *F. graminearum* турлари буғдой донлари унувчанлигини 56,0–97,7% гача

пасайтирди. *F. verticillioides* ва *F. sambucinum* турлари буғдой донлари унувчанлигини 100% га тўхтатиб қўйиши аниқланган (2 расм).

**2-расм**



*F. oxysporum* тури Краснодар-99 навли буғдой дони унувчанлигига таъсири.  
*Чанда:* сувга ивитилган тўлиқ унаётган уруғлар.  
*Ўнда:* культурал суюқликка ивитилган, унмаган уруғлар; 15 кунда.



*F. verticillioides* тури Краснодар-99 навли буғдой дони унувчанлигига таъсири.  
*Чанда:* сувга ивитилган тўлиқ унаётган уруғлар.  
*Ўнда:* культурал суюқликка ивитилган, унмаган уруғлар; 15 кунда.

Қорақалпоғистон Республикаси буғдой далаларида ажратилган *Fusarium* туркуми турларининг фитотоксин ҳосил қилиш хусусиятларини Тошкент вилоятининг буғдой далаларида ажратилган *Fusarium* турларининг фитотоксин ҳосил қилиш хусусияти билан қиёсланганда, Тошкент вилоятида учрайдиган *Fusarium* туркуми турларининг агрессив ва патоген штаммларнинг сони Қорақалпоғистон Республикасидагига нисбатан кескин камлиги билан характерланди (2-жадвал).

2-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти  
 агроценозларидаги *Fusarium* туркумитурларининг фитотоксинлар ҳосил  
 қилиш даражалари**

№	Фитотоксин ҳосил қилиш даражаси – штаммлар сони, дон	Қорақалпоғистон Республикаси агроценози	Тошкент вилояти агроценози
1.	Агрессив	40	10
2.	Патоген	20	15
3.	Ўртача патоген	20	18
4.	Кучсиз патоген	17	37
5.	Апатоген	3	20

Қорақалпоғистон Республикаси буғдойзорларидан ажратилган *Fusarium* туркуми турларининг фитотоксин ҳосил қилиш даражаси нафақат донларнинг унувчанлигига, балки донлардан униб чиққан майсаларнинг илдиз ва поя ҳосил қилишига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Диссертациянинг «**Буғдойнинг фузариоз касаллигига қарши кураш чоралари**» деб номланган олтинчи бобида микроорганизмлар кўзғатадиган касалликларга қарши курашда иқтисодий ва экологик жиҳатдан энг самарали усул касалликларга чидамли навларни етиштириш эканлиги кўрсатилган.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ўрганилган 30 та навлардан маҳаллий навларнинг фузариоз касалликларига чидамлик даражаси юқори эканлиги аниқланди, яъни маҳаллий шароитда яратилган навлар республика-мизда учрайдиган *Fusarium* туркуми турларига нисбатан табиий чидамликни намоён қилган.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ўрганилган навлардан Таня Элита, Грация, Устоз, Дурдона, Хумо, Ғарезсизлик, Ёнбош, Яксарт, Амударё ва Ласточка навлари фузариоз касалликлари билан кучсиз даражада зарарланган.

Қорақалпоғистон Республикаси шўрланган тупроқлар экологик шароитида фузариоз касалликларига нисбатан чидамли навлар қаторига Ёнбош, Санам, Ифтихор, Кроля, Ниҳол, Москвич, Старт, Водий, Амударё ва Таня навлари кириши аниқланган.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида фузариоз касалликлари билан кучли даражада зарарланадиган навларга Гром, Краснодар-99, Крошка, Айвина, Юка, Лига-1, Иришка, КА-9, Вершина, Замин, Давр, Московская 56 навлари киради.

Буғдойнинг фузариоз касалликларига қарши уруғлик донни экишдан олдин фунгицидлар билан ишлов берилган. Буғдой донларини экишдан олдин касаллик кўзғатувчиларига қарши антагонистик фаолликка эга микроорганизмлар асосида тайёрланган биопрепаратлар билан дориланган.

Буғдойнинг фузариоз касалликларига чидамли навлар мутлақо йўқлиги туфайли, уларга қарши фунгицидларни қўллаш, касаллик кенг тарқалиши учун қулай бўлган ҳудудларда ва унинг эпифитотия шаклида ривожланиши кузатилган ҳолларда жуда зарур эканлиги кўрсатилган.

Уруғдориллагичларнинг ижобий таъсири натижасида униб чиққан уруғлар сони назоратга нисбатан *Trichoderma* препарати қўлланилганида 4,2% га, Фитобиосолда 10,8% га ва Виал ишлатилганида 9,7% га ортганлиги аниқланган.

Назорат вариантыда 1 га майдонда 3350000 донга кўчат униб чиққан бўлса, тажриба вариантларида кўчатлар сони ортиши билан бирга майсалар ўсиб, ривожланиши назоратга нисбатан яхшилиги, касаллик белгилари кузатилмаслиги билан характерланди.

Натижада *Trichoderma* sp. препарати билан ишлов берилган вариантда назоратга нисбатан 17000 та, Фитобиосол вариантыда 41000 та, Виал Траст вариантыда 36000 та ортиқча кўчат олиш мумкинлиги аниқланган.

Буғдойда илдиз чириш касаллигига қарши кураш чорасини қўллаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда рўйхатга киритилган Виал Траст 12,9% с.сус.к., Геркулес 6% с.э.сус., Пахта 42% с., Раксил 2,5% с.э.к., Ҳимоя 10% с. ва Далвакс 34% с.сус.к. фунгицидларини лаборатория шароитида Петри ликопчаларида Чапек озуқа муҳитида *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг турларига нисбатан фунгицидлик таъсири ўрганилди.

***Fusarium* туркуми турларининг ўсиши ва ривожланишига уруғдорилагич фунгицидларнинг таъсири (колония диаметри, см) 2015-2016 й**

№	Уруғдорилагич фунгицидлар	<i>F. solani</i>	<i>F. javanicum</i>	<i>F. lateritium</i>	<i>F. heterosporum</i>	<i>F. sambucinum</i>	<i>F. oxysporum</i>	<i>Fusarium sp.</i>
1.	Назорат (фунгицидсиз, озука муҳити)	9	6	10	10	9	8	7
2.	Виал ТрасТ 12,9% с.сус.к., 0,25-0,3 л/т	0,5	0,5	0,5	0,5	0,6	0,5	1,0
3.	Геркулес 6% с.э.сус. 0,4-0,5 л/т	1,0	2,0	2,0	1,0	1,0	1,0	2,0
4.	Пахта 42% с., 0,4 л/т	3,5	3,5	5,0	4,7	3,0	3,3	5,0
5.	Раксил 2,5% с.э.к., 0,7 л/т	1,0	1,5	1,0	1,0	1,2	1,5	0,5
6.	Ҳимоя 10% с., 4 л/т	6,5	6,0	6,5	6,0	7,5	3,6	4,0
7.	Далвакс 34% с.сус.к., 5 л/т	2,9	2,5	3,0	2,2	3,0	2,5	2,7

Ўрганилган уруғдорилагичлар орасида Виал ТрасТ 12,9% с.сус.к., Геркулес 6% с.э.сус., Раксил 2,5% с.э.к. препаратлари буғдойнинг фузариоз касалликларининг кўзгатувчиларига юқори самарадорлик намоён қилди.

Далвакс, Ҳимоя ва Пахта фунгицидлари *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларга қарши умуман таъсир қилмаслиги билан характерланди. Фузариоз касалликларига қарши курашда Виал ТрасТ, Геркулес, Раксил препаратлари билан уруғлик донларга ишлов бериш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланган.

### ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикаси буғдой далаларида ажратилган *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғлар 12 та тур ва 3 та кенжа турга тегишли бўлиб, улар 5 та секцияга кириши аниқланди.

2. Кузатиш олиб борилган Тахтакўпир туманида 9 та тур, Амударё туманида 10 та тур, Чимбой ва Нукус туманларидан 12 тадан *Fusarium* туркумига мансуб турлар қайд этилди.

3. *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг патогенлик хусусиятларини Қорақалпоғистон Республикасида районлаштирилган Ғарезсизлик ва Краснодар-99 навли буғдой ўсимликлари донларининг тупроқда ўсиши ва ривожланишига таъсири ўрганилганида *F. graminearum*, *F. oxysporum* var. *orthoceras* ва *F. solani* var. *argillaceum* турлари кучли патогенлик хусусиятини намоён қилишди.

4. Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иқлим шароитида районлаштирилган навлар орасида Таня Элита, Грация, Устоз, Дурдона, Хумо, Ғарезсизлик, Ёнбош, Яксарт, Гром, Амударё ва Ласточка навлари фузариоз касалликларига нисбатан чидамли бўлиб, ўсимлик зарарланганида ҳосили ҳар гектардан 2-6 центнерга пасайди. Лекин: Гром, Краснодар-99, Таня, Крошка, Московская -56, Замин, Давр, Зимородок, Айвина, Вершина, Юка, КА-9, Лига ва Иришка буғдой навлари эса фузариоз билан кучли зарарланиб, ҳосили 10 центнергача пасайиши маълум бўлди.

5. Фузариоз касалликлари таъсирида бир туп буғдойдаги донлар сони 193 тани ташкил қилиб, оғирлиги 29 г, ёки соғлом донларга нисбатан уларнинг сони 140 тагача, оғирлиги эса 64 граммга камайди.

6. *Fusarium* туркуми турларининг фитотоксин синтез қилиш хусусияти ўрганилганда, 14 та турдан 7 таси: *F.oxysporum*, *F.solani*, *F.javanicum*, *F.solani* var. *argillaceum*, *F.heterosporum*, *F.oxysporum* var. *orthoceras* ва *F.graminearum* буғдой донлари унувчанлигини 56,0-97,7% га, 2 таси эса (*F.verticillioides* ва *F.sambucinum*) 100% га тўхтатиб қўйди.

7. Қорақалпоғистон Республикаси буғдой далаларидан ажратилган *Fusarium* туркуми турларининг фитотоксин ҳосил қилиш хусусиятларини Тошкент вилоятининг буғдой далаларидан ажратилган ушбу туркум замбуруғларининг фитотоксин ҳосил қилиши хусусиятлари қиёсланганда, Тошкент вилоятида учрайдиган турларнинг агрессив ва патоген штамmlарининг сони Қорақалпоғистон Республикасидагига нисбатан кескин камлиги, ўртача ва кучсиз даражада фитотоксин ҳосил қиладиганлари эса, нисбатан кўплиги билан характерланди.

8. Буғдойнинг фузариоз касалликларига қарши уруғлик донга микробиологик препаратлар билан ишлов берилганида *Trichoderma* sp. препарати билан ишлов берилган вариантларда назоратга нисбатан 1 га майдондан 17000 та, Фитобиосол қўлланилган вариантда 41000 та, андоза вариантыда Виал Траст қўлланилганида эса 36000 тага ортиқ кўчат олишга эришилди.

9. Буғдойда фузариоз касаллигини кўзғатувчи патогенларга қарши замонавий фунгицидлардан 6 таси уруғлик донни дорилаш учун қўлланилганида Виал Траст, Геркулес, Раксил фунгицидлари самарали натижалар берди. Ҳимоя ва Пахта фунгицидлари *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларга умуман таъсир қилмади.

10. Буғдойзорларда фузариоз касаллигини олдини олиш учун ташкилий-хўжалик ва агротехник тадбирларидан ташқари, қуйидаги бирорта уруғ дорилагич билан уруғга ишлов беришни тавсия этамиз: Виал Траст, 12,9% с.сус.к. – 0,25-0,3 л/т, Геркулес, 6% с.э.сус. – 0,4-0,5л/т, Раксил, 2,5% с.э.к. – 0,7 л/т.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ и  
АНДИЖАНСКОМ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХАЙТБАЕВА НОДИРА СЕЙТЖАНОВНА**

**ФУЗАРИОЗНЫЕ БОЛЕЗНИ ПШЕНИЦЫ НА ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВАХ  
РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН И МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМИ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Qx68.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете

Автореферат диссертации на двух языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице по адресу [www.agrar.uz](http://www.agrar.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Зупаров Миракбар Абзалович</b> кандидат биологических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Ходжаев Шамиль Турсунович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Холдаров Мирхалил Уразбекович</b> кандидат биологических наук <b>Научно-исследовательский институт растениеводства</b>

Защита диссертации состоится «31» октября 2017 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте по адресу: 100140, Ташкент, ул. Университетская-2, Ташкентский государственный аграрный университет, тел. (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского аграрного университета (532892). Адрес: 100140 Ташкент, ул. Университетская 2, Ташкентский государственный аграрный университет. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00.

Автореферат диссертации разослан «18» октября 2017 г.  
(протокол рассылки № 9/3 от «12» октября 2017 г.)

**Б.А. Сулайманов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней д.б.н.,  
профессор

**Я.Х. Юлдашов**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.с.х.н.,  
доцент

**М.М. Адиллов**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.с.х.н

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Согласно имеющимся данным, ежегодно в мире пшеницей засеивается 226,5 млн. гектаров, урожайность составляет 26 ц/га, а объём собранного урожая 586,9 млн тонн. Согласно данным ФАО для потребности человека в странах производителей зерна и продуктов из него, необходимо увеличить производство на 1,6-1,8%. В связи с этим, необходимо изучить биологические особенности развития фузариоза пшеницы, вредоносность и выявление закономерности его распространения, а также совершенствование мер борьбы с ними, что создаёт возможность повышения эффективности зерноводства.

